O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 17 март ШАНБА ● № 22 (11.929)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

## ФЕРМЕРГА ЧИНАКАМ КЎМАКДОШ

**Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандаларига қарши курашишда кўпроқ биологик усулдан фойдаланилаяпти.**

Бунинг учун қишлоқ жойлардаги мавжуд биолабораториялар фаолиятини жонлантириш, улар негизини илмий янгилик ва кашфиётлар билан бойитиш, шу билан бирга янги биомарказ ва лабораториялар ташкил этишга муҳим масала сифатида қаралмоқда. Бинобарин, чинакам деҳқонгина биологик усул ҳашаротларга қарши курашишда энг самарали ва қулай эканлигини яхши тушунади.

Яқинда Янгийўл туманидаги Халқобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қошида янги биолаборатория ташкил этилди. У республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси кўмаги билан Тошкент Давлат аграр университети биомаркази филиали сифатида иш бошлади.

— Туманимиз деҳқонлари учун бундай муассаса жуда зарур эди, — дейди лаборатория бошлиғи Мақсуда Фахриддинова. — Коллежнинг деярли ташландиқ ҳолга келиб қолган ёрдамчи биноси таъмирланиб, барча жиҳозлар келтирилиб, кўргазмали воситалар билан таъминланди. Эътиборли жиҳати, барча сарф-харажатлар, қурилиш-таъмирлаш ишлари манфаатдор идоралар саъй-ҳаракати ўлароқ ҳашар йўли билан амалга оширилди. Эндиликда лабораториямизда кўпайтирилаётган биоорганизмлар билан бир мавсумда 40 минг гектар майдондаги ҳашаротларга қарши кураша олиш имкони бор. Бундан айниқса маҳаллий фермерлар мамнун. Шу билан бирга лабораториямиз коллеж талабалари учун тегишли соҳа бўйича амалиёт мактаби вазифасини ҳам ўтайди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Янгийўл туманида ҳар мавсум ўртача 7300 гектар пахта, 7450 гектар майдонда ғалла, 6 минг гектар ерда мева-сабзавот етиштирилади. Бугун бу ерда 1860 та фермер хўжалиги иш юритмоқда. Собиқ «Ниёзбош» ширкат хўжалиги ҳудудидаги биолаборатория имкониятлари чекланганлиги боис, у бутун туман экин майдонларининг атиги 20 фоизигагина хизмат қилар эди.

Янги биолабораториянинг ишга туширилиши билан бу муаммо ўз-ўзидан барҳам топадиган бўлди. Унинг афзаллик жиҳатларини амалда кўп бор синовдан ўтказган фермерлар лаборатория хизматидан фойдаланишга интилмоқдалар. Ўтган бир ҳафта ичида 300 та фермер хўжалиги муассаса билан шартнома тузиб улгурди.

— Кўпчиликда биологик усулдан фақат пахта ҳашаротларига қарши курашишда фойдаланилади, деган юзаки тушунча бор, — дейди тумандаги «Туркистон» фермер хўжалиги раҳбари Худоёр Алтишев. — Ваҳоланки, мева-сабзавотчиликда ҳам бу усул ғоят самаралидир. Биласиз, боғ ва токзор, сабзавот ва полиз ҳашаротларига қарши қўлланиладиган кимёвий препаратлар жуда қиммат. Қолаверса, ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнганидек, кимёвий воситалар тупроқ ва ўсимлик учун фойдаси тегадиган кўплаб микроорганизмларни ҳам нобуд қилиб юборади. Хўжалигимиз тасаррруфида 20 гектардан зиёд боғ ва токзор бор. Кўп йиллик боғбонмиз. Аксарият йиллари шиғил-шиғил ҳосил тугиб турган мева дарахтларимиз, қирмизи олмаю зардолиларимиз зараркунандалар туфайли нест-нобуд бўлиб кетарди. Ишонаманки, янги биолаборатория бизга чинакам кўмакдош бўлади. Шу сабабли, у билан биринчилар қатори шартнома туздик.

Чиндан ҳам, биолабораториянинг ташкил этилиши хайрли иш бўлди. Бу билан туман деҳқонлари етиштиражак ҳосилга барака кириши шубҳасиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**





**СУРАТЛАРДА:** биолаборатория фаолиятидан лавҳалар.
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## КЎРГАЗМА ЯКУНЛАНДИ

**"Ўзэкспомарказ"да "Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция – UzBuild – 2007" халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Саккизинчи бор ўтказилган мазкур тадбирда мамлакатимиздан ва хориждан юзга яқин компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этди. Тадбирга ташриф буюрганлар қурилиш материаллари ва технологиялари бозоридаги энг сўнгги тенденциялар билан танишиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатидаги янгиликлар ҳақида батафсил ахборот олиш имконига эга бўлишди.

Кўргазмага қўйилган қурилиш материаллари ва таклиф этилаётган хизмат турлари жуда ранг-баранг. Айниқса, иситиш ва вентиляция тизимлари, интерьер ва дизайн, эшик ва ромлар, лак ва бўёқлар, том ёпиш материаллари, пол қопламалари, электроника ва ёритиш сингари кўплаб турдаги маҳсулотлар кўпчилик эътиборини ўзига жалб этади.

Кўргазмада "Baraka-yutuq" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган қуёш нуридан қувват олиб ишлайдиган печ ва сув иситиш мосламалари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бундай қурилмалар, айниқса, дала-даштда истиқомат ва меҳнат қилаётган юртдошларимизга жуда қўл келади.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, кўргазмада ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этаётган компаниялар, айниқса, хорижий фирмалар сони йилдан-йилга ортмоқда. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ва хориж компаниялари учун яратилган қулай инвестиция муҳити бераётган самаралардандир.

**ЎзА.**

**Кунлар илиб, қуёш она-заминни қиздира бошлагач, табиат яшнаб кетади. Лекин бу гўзалликка маҳлиё бўлиб қолиш яхши эмас. Тоғларда қорлар эриши тезлашиб, устига-устак ёмғирли кунлар бошланиб, кутилмаганда кучли селга уланиб кетиши ҳам мумкин.**

## ИККИ КУНЛИК ЎҚУВ

Шундай экан, биз баҳор кунлари ҳар қандай фавқулодда ҳолатларга тайёр туришимиз керак. Кучли сел оқимларини беталафот ўтказиб юборишга ирригация иншоотларини тайёрлаш, хатарли жойларда қирғоқларни мустаҳкамлаш, дамбаларни пишиқлаш муҳимдир.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг «Инсонийлик» ўқув-услубий марказида ўтказилган икки кунлик машғулотларда баҳор фаслидаги фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш масалалари теварагида фикрлашиб олинди. Унда таълим тизими ходимлари ҳам иштирок этишди. Ўқувчиларни фавқулодда ҳолатлардаги хатти-ҳаракатлар билан таништириш ниҳоятда муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Иштирокчилар аҳоли ва ҳудудларни муҳофазалаш масалаларига доир қонунчилик ҳужжатлари ва уларни такомиллаштириш истиқболлари билан таништирилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

*Янги анъаналар*

## МУРУВВАТНИНГ МЕЪЁРИ КЕНГ

**Вилоятимиз туман ва шаҳарларида боқий айёмимиз Наврўзи олам муносабати билан ўтказилаётган "Саховат" акциялари давом этмоқда. Халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибат ва мурувват фазилатларининг оддий намунаси бўлган бу тадбирларни кўпчилик алоҳида мамнуният ва қониқиш ила қабул қилмоқда.**




Ана шундай "Саховат" акциялари Бекобод, Ўртачирчиқ, Пскент, Юқоричирчиқ, Паркент туманларида ҳам уюштирилди. Эътироф этиш жоизки, хайрли ишга бош қўшаётган корхона ва ташкилотлар, тадбиркор ва фермерлар кўпайиб, мурувват кўлами тобора кенгайиб бораётир.

Ўтказилган тадбирлар доирасида Бекобод туманидаги 150 та кам таъминланган хонадонга 1650 та товуқ олиб борилди. Яна 17 та эҳтиёжманд оилага бир бошдан қорамол берилди. Кўплаб оилаларнинг табиий газ, электр энергиясидан қарзлари ҳомийлар томонидан қопланди.

– Мен II гуруҳ ногирониман, – дейди Улуғбек фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи Собир Рустамов. – Анча вақтдан буён оиламизнинг коммунал тўловлардан 61 минг сўмлик қарзи йиғилиб қолган эди. Мана, ҳозиргина қўлимга қарзимиз тўланганлиги ҳақидаги тўлов варақасини тутқазишди. Саховатпеша инсонлардан бир умр миннатдорман.

Шунингдек, Ўртачирчиқ тумани бўйича эҳтиёжманд оилаларга 8 та сигир, 1200 та товуқ тарқатилиб, 810 минг сўмлик коммунал қарзлари тўлаб берилди. Пскент туманида беш оила сигирли бўлди, кўплаб ҳо-

(Давоми 2-бетда).



**Тошкент вилоятининг Қибрай туманида фойдаланишга топширилган 48 квартирали янги уй Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар учун ўзига хос Наврўз совғаси бўлди. Шу муносабат билан ўтган маросимда ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

## УЙ ТЎЙИ БАЙРАМГА УЛАНДИ

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов томонидан аҳолини, жумладан, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Умумхалқ байрами – Наврўз арафасида фойдаланишга топширилган мазкур уй атрофи замон талаблари даражасида ободонлаштирилган ва кўкаламзорлаштирилган. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар боғчаси, мактаб ва шифохона бор. Спорт ва автомобиль тўхташ майдонлари учун алоҳида жой ажратилган.

– Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 январда эълон қилинган фармонига биноан "Жасорат" медалига сазовор бўлган эдим, – дейди вазирлик қидирув-қутқарув гуруҳи қутқарувчиси Рустам Каримов. – Бугун замонавий квартиранинг калитини олдим. Бу мамлакатимизда ҳарбийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 14 мартдаги "Мамлакатимиз кон-металлургия саноати корхоналарининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига биноан кон-металлургия саноатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссалари, кўп йиллик самарали меҳнатлари, илғор технологияларни ўзлаштиришдаги ютуқлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:**

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»**

**Иргашев Таир Асатович** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи катта устаси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»**

**Эшанкулов Абдушукур Ғафурович** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти "Олмалиқметаллург-қурилиш" бошқармасининг участка бошлиғи

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Алиматов Омонбек Давронбекович** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-навли прокат цехи катта устаси

**Аҳметов Анвар Муҳитдинович** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти Мис эритиш заводининг металлургия цехи эритувчиси

**Иманов Собирали Холматович** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг "Қолмақир" кон бошқармаси кон устаси

**«Дўстлик» ордени билан**

**Коробов Юрий Валентинович** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти темир йўл транспорти бошқармасининг тепловоз машинисти

**Ремонтов Александр Михайлович** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика таъмирлаш цехи пўлат эритувчиси

**Сеитмеметов Аппаз Сеидаметович** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси бош энергетиги

**«Шуҳрат» медали билан**

**Агзамов Акрамхон Турсунходжаевич** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг Рух заводи директори

**Джамалдинов Абдусаттар Абдуллаевич** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-навли прокат цехи вальцоловчиси

**Масалиев Нуриддин Колдашевич** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти Ангрен кон бошқармасининг Кўчбулоқ шахтаси участка бошлиғи

**Нармуратова Клара Ҳакимбаевна** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти Рух заводининг кимёвий лабораторияси лаборанти

**Нурматов Иномжон Раҳимбердиевич** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мартен цехи пўлат эритувчиси

**Радионова Любовь Анатольевна** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий лабораторияси етакчи муҳандиси

**Сайдираҳимова Ҳуриниса Раҳматовна** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти Мис бойитиш фабрикасининг фильтрловчиси.

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

## ЛИЦЕЙДА КЕЧА

**Янгийўл шаҳридаги академик лицейнинг ахборот ресурс марказида «Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!» адабий-мусиқий кеча ўтказилди.**

Унда 11-мусиқа мактаби, академик лицей ўқувчилари ҳамда фаол китобхонлар иштирок этишди.

Кеча иштирокчилари Наврўзи олам, миллий анъаналаримиз хусусида атрофлича фикрлашиб олишди. Шунингдек, «Ассалом, Наврўз!», «Наврўз ва табиат» мавзуларида китоб ҳамда бошқа воситалар кўргазмаси ташкил этилди.

Кечанинг бадиий қисмида мусиқа мактабининг ёш ижодкорлари концерт дастурини намойиш этишди. Фаол мутолаачиларга бадиий китоблар совға қилинди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли, Кенсой қишлоқ хўжалик ҳамда ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ўтказилди.**

## КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Унда тумандаги мактабларнинг 3500 нафардан зиёд 9-синф битирувчилари иштирок этишди. Улар яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар билан яқиндан танишишди, коллеж маъмурияти билан самимий суҳбат қуришди. Энг муҳими, ўқувчилар ўзларини шу кунгача ўйлантириб келаётган «Ким бўлсам экан?» деган саволга жавоб топишди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## БОЗОР ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШДА

**Бўка туманидаги «Истиқлол» масъулияти чекланган жамият тасарруфидаги «Деҳқон бозори»ни реконструкция қилиб, аҳоли учун қулай савдо ва бошқа маиший хизмат шахобчаларини барпо этиш учун республика «Халқ банки»дан 200 миллион сўм миқдорида кредит олинган эди.**

— Беш гектар майдондан иборат бозор ҳудудида замонавий кўринишдаги 26 та турғун савдо расталари ҳамда икки бўлимли ёзги павильонни Наврўз байрами арафасига фойдаланишга топширамиз, — дейди пудратчи ташкилот — «Аббос» хусусий қурилиш фирмаси раҳбари Толиб Йўлдошев.— Бундан ташқари маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари учун ҳам қўшимча бинолар қуриб берамиз.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.**

## СОВРИН МЕЗБОНДА ҚОЛДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ташаббуси билан уюштирилган мусобақаларда 40 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида чирчиқлик спортчилар биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан таъсис этилган совғалар тақдим этилди.

**Отаёр ТОҒАЕВ.**

## ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАДА

**Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.**

Бўстонлиқ туманидаги 53 та мактабда 27 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим олмоқда. Уларга 1 минг 700 ўқитувчи сабоқ беради.

– Ўтган йили дастур режасига киритилган мактабларнинг барчасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Норпўлат Қурбонов. – Бу йил битта янги мактаб бунёд этилади, олтита мактабда эса капитал реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Тумандаги Қорабой қишлоғида 105 ўринга мўлжалланган мактаб қурилаётир. Уни "Акмалқурилишсавдо" корхонаси қурувчилари барпо этмоқда. Мазкур корхона жамоаси капитал реконструкция қилаётган яна бир таълим муассасаси – Абай қишлоғидаги 34-мактабда қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Ҳозирги пайтда барча эътибор мактабнинг янги спорт зали қурилишига қаратилган.

**ЎзА.**

*Янги анъаналар*

## МУРУВВАТНИНГ МЕЪЁРИ КЕНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

надонларга товуқ тарқатилди, коммунал тўловларни қоплаш учун 1 миллион 270 минг сўм маблағ ўтказилди.

Юқоричирчиқ туманидаги 15 та кам таъминланган оилага ҳомийлар сигир олиб беришди, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами 1 миллион 250 минг сўмлик коммунал қарзлардан холос бўлди. 200 га яқин оилага жами 2360 та жўжа тарқатилди.

Паркент туманида 32 та хонадонга бир бошдан сигир берилди. Коммунал тўловлар учун саховатпеша корхона, ташкилотлар ва фермерлар 4 миллион 400 минг сўмдан зиёд маблағ ажратдилар.

Кеча мазкур акция Оҳангарон ва Ангрен шаҳарларида давом этди. Унда ҳам кўплаб оилалар мушкули осон қилинди, юзлаб хонадонларга қут-барака улашилди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**





**СУРАТЛАРДА:** жойларда бўлиб ўтган "Саховат" тадбирларидан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Ёнғин – тилсиз ёв*

## ХОТИРЖАМЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Нуроний кексалар ҳар сафар дуога қўл очганларида, жумладан, «Бемаҳал ўлим, қуруқ туҳмат, ўт балоси ва сув балосидан ўзинг асра» дея ният қиладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Айниқса, тилсиз ёв ҳисобланмиш ёнғин фалокати ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Зеро, у кишиларни нафақат мол-мулк, балки яқин кишиларидан ҳам жудо қилиши мумкин.**

Буни яхши тушунган вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари кундалик иш фаолиятларида асосий эътиборни ёнғин оқибатларини бартараф этишдан кўра, бахтсиз ҳодисанинг олдини олишга қаратадилар. Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг катта муҳандиси Фахриддин Абдумавлонов мухбиримизга шу мақсадда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

— Бизнинг асосий вазифамиз юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, ўт чиқишига сабаб бўлувчи ҳолат ва омилларни бартараф этишдир. Бунинг учун бошқармамиз ходимлари жойлардаги вазиятлардан мунтазам ва тўлиқ хабардор бўлиб туришлари керак бўлади. Шуни ҳисобга олиб, вилоятимиз ҳудудидаги барча саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, билим юртлари, умумтаълим мактаблари, махсус мактаб-интернатлар ва болалар боғчалари билан яқин алоқада бўлиб, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган барча чора-тадбирларимизни ҳамкорликда амалга ошираяпмиз.

Бугунги кунда вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли жами 1499 та муассаса бўлиб, шундан 889 таси мактаб, 10 таси махсус мактаб-интернат, 598 таси болалар боғчаси ва иккитаси меҳрибонлик уйларидир. Ушбу муассасалардаги ёнғинга қарши ҳолат йил давомида қайта-қайта ва муфассал текширувдан ўтказиб турилади. Ҳамкорликдаги ана шу саъй-ҳаракатлар давомида аниқланган камчилик ва нуқсонлар юзасидан муассаса раҳбарларига ёзма кўрсатмалар берилади. Жумладан, ёнғин хавфсизлиги қоида ва талабларини тарғибот қилиш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, ўқитувчи ва ўқувчилар, тарбиячи ва боғча болалари билан 4400 марта суҳбатлар ўтказилди ва махсус йўриқномалар билан таништирилди.

Биз жойларда тез-тез амалий машғулотлар ўтказиб туришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, ўтган йили 194 марта викторина уюштирилди. Ўтказилган 437 та учрашув чоғида ўт ўчириш техникалари ва уларни ишлатиш йўл-йўриқлари намойиш этилди. Мактаб ўқувчиларига ёнғин содир бўлган тақдирда бинодан чиқишнинг захира йўлларидан фойдаланиш тартибини ўргатиш мақсадида 41 марта амалий машғулот уюштирилди. Ёнғинни ўчириш йўл-йўриқларини амалий намойиш этишга қаратилган 286 та тактик машқлар ўтказилди.

ли 1019 та муассасада ходимларимиз иштирокида ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Ёнғин содир бўлган ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда одамларни ва моддий бойликларни қутқариш режачизмалари ҳамда ёнғинга қарши йўриқномаларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилди.

Бироқ бошқармамиз ходимларининг тинимсиз саъй-ҳаракатларига қарамай, айрим муассаса раҳбарлари томонидан ёнғин хавфсизлиги талаб-қоидаларига лоқайд муносабатда бўлиш, давлат ёнғин назоратининг ёзма кўрсатмалари талабларини бажармаслик ҳоллари ҳам учраб турибди. Албатта, биз бундай тартиббузарликларни эътиборсиз қолдирмаймиз. Чунончи, ёнғин чиқиш хавфи бўлган 1433 та омбор ва алоҳида хоналардан фойдаланиш вақтинчалик тўхтатилди. 3311 носоз электр ва газ ускуналарини ишлатиш тақиқланди.

Пировардида шуни таъкидламоқчиманки, давлат мулкини, халқ бойлигини, энг муҳими эса, инсон



**СУРАТДА:** ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда амалга ошираётган тадбирлардан бирида.

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганларидек, бошқармамиз ходимлари кўргазмали тарғибот-ташвиқот воситаларидан кенг кўламда фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, вилоят халқ таълими бошқармасига қараш-

ҳаётини кўз қорачиғидек асраш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шуни унутмайликки, соғлигимиз, хавфсизлигимиз, тинчлигимиз ўз қўлимиздадир.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**

**Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожлангани сари халқаро миқёсдаги молия муассасаларининг юртимизга қизиқиши ортмоқда. Бунга Россиянинг акциядорлик тижорат "Русславбанк"и билан тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик алоқалари мисол бўла олади.**

## "КОНТАКТ" – ҚУЛАЙ ХАЛҚАРО ХИЗМАТ ТУРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур банкнинг ушбу йўналишда олиб бораётган ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уч юзга яқин банк билан ҳамкорликни мустаҳкам йўлга қўйган "Русславбанк" етти мингдан ортиқ корпоратив мижозга эга.

Банк президенти Николай Гусманнинг айтишича, Ўзбекистонда мижозларга банк хизмати кўрсатиш борасида яратилган кенг қулайликлар ва жадал тараққий этаётган тадбиркорлик бу борадаги ишлар ривожида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-сотиқ жараёнида мазкур банк имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Банкнинг тобора оммалашиб бораётган "Контакт" пул ўтказиш халқаро тизими ҳар томонлама қулайлиги билан ажралиб туради. 81 мамлакатда жорий этилган ушбу хизмат мижозларга дунёнинг исталган бурчагига қисқа вақт ичида нақд пулни бехавотир етказишни таъминлаяпти.

Ўзбекистонда ҳам "Контакт" тизимидан "Ўзсаноатқурилишбанк", "Савдогарбанк", "Капиталбанк", "Ипотекабанк", "Ўктамбанк" каби банкларнинг 210 шохобчаси орқали хизмат кўрсатилмоқда. Унинг яна бир қулайлиги – ортиқча расмиятчиликка барҳам берилганида. Хусусан, пул жўнатилаётганида банкда ҳисоб рақами очиш шарт эмас.

**Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

## КОМИЛА ҚИЗЛАР

**Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Комила қизлар» кўрик-танлови ўтказилди.**

Иқтидорли қизларни алоҳида қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишларини оммалаштириш, қолаверса, Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танловига ўзига хос тайёргарлик кўриш мақсадида уюштирилган бу тадбирда ўз бурчига масъулият билан ёндошаётган маҳалла фаоллари, маслаҳатчилар тавсия этган иқтидорли қизлар иштирок этишди.

Тошкент, Қибрай ва Оққўрғон туманлари вакилалари ҳамда вилоят педагогика коллежи талабаларининг фаоллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Танловда биринчи ўринга лойиқ деб топилган Тошкент туманининг 8-синф ўқувчиси Азиза Зайниддинова ҳамда 2-, 3-ўринларни эгаллаган қибрайлик талаба Раъно Узбаева, оққўрғонлик Чарос Холжановага қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**


«АНГРЕН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ»

очиқ акциядорлик жамияти

юртимиз аҳолисини гўзал ва нафосатли

Наврўз байрами

билан самимий қутлайди!

Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайди.





Азиз ватандошлар!

Мамлакатимиз равнақи, элимиз фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга омад ва зафарлар ёр бўлсин. Кўнгилларни баҳорий илиқлик, завқу шавқ тарк этмасин!

Ассалом, Наврўз!

## БИР ЙЎЛА ИККИ ҒОЛИБ

Олмалиқ шаҳридаги 80-махсус мактаб-интернатда «Камалак» болалар ташкилотлари сардорларининг беллашуви ўтказилди. Унда «Камалак», «Юлдузлар», «Алпомиш» каби гуруҳлар иштирок этишди. Мусобақада фаол қатнашган «Камалак» ҳамда «Алпомиш» гуруҳлари биринчи ўринга, «Юлдузлар» гуруҳи эса, иккинчи ўринга муносиб топилди.

Тадбир сўнгида ғолибларга ўқув муассасаси ва «Камалак» болалар ташкилотининг махсус совғалари тақдим этилди.

**Нигора АБДУРАҲМОНОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.**

## БИТИРУВЧИЛАР АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Фотосанъат мактаб-студияси илк битирувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси очилди.**

Мазкур мактаб-студия ёш ижодкорларнинг касбий малака ва маҳоратини ошириш мақсадида 2006 йили Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилганди. Унда юртимизнинг таниқли фотоусталари ва педагоглар ёшларга фото санъати бўйича ўз билим ва тажрибасини ўргатди. Кўргазмада мактаб-студия битирувчилари ишлаган саксонга яқин фотосурат намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт



## САФАРДАГИ ЗАФАР

**Осиё қитъасининг 12 шаҳрида келаси йили Хитой пойтахти Пекинда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол беллашувларида қатнашиш учун саралаш босқичи иккинчи тур учрашувлари ўтказилди. "F" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси иккинчи турни сафарда Яман футболчиларига қарши ўтказди.**

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари рақиб майдонида тўп сурганига қарамай, ўйинни кетма-кет кескин ҳужумлар билан бошлади. Яманликлар биринчи бўлим давомида бутун жамоа билан ҳимояланишга мажбур бўлди. Шу сабаб Вадим Абрамов шогирдлари Яман дарвозасини узоқ масофадан йўлланган зарбалар ёрдамида нишонга олишга ҳаракат қилди.

Ўзбекистонликларнинг бу усули иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқасида ўз самарасини берди. Терма жамоамиз сардори Азизбек Ҳайдаров чамаси 25 метр масофадан кучли ва аниқ зарба йўллади. Уни бартараф этолмаган мезбонлар посбони тўпни ўз дарвоасидан олиб чиқишга мажбур бўлди.

Бир тўп фарқи билан ҳисобда олдинга чиқиб олган ҳамюртларимиз яна бир неча маротаба гол уриш имконига эга бўлганди. Бироқ айрим вазиятларда яманлик дарвозабон бехато ҳаракат қилган бўлса, баъзан вакилларимизга аниқлик етишмади. Яман олимпия терма жамоасининг ҳисобни тенглаштириш илинжида уюштирган барча ҳужумлари ўзбекистонлик ҳимоячилар ҳамда дарвозабон Азиз Ашуров томонидан бартараф этилди. Муҳим учрашувда рақиб майдонида 1:0 ҳисобида зафар қучган Ўзбекистон терма жамоаси юртимизга ёруғ юз билан қайтадиган бўлди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувнинг дастлабки турида футболчиларимизга 1:2 ҳисобида ютқазган Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоаси ўз майдонида Жанубий Корея жамоасини қабул қилди. Бу учрашувда ҳам меҳмон жамоа – Жанубий Корея олимпиячилари мезбонларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Икки тур ўйинлари натижасига кўра, "F" гуруҳида олтитадан очко жамғарган Ўзбекистон ва Жанубий Корея олимпия терма жамоалари пешқадамлик қилмоқда. 28 март куни ўтказиладиган навбатдаги тур учрашувида ўзбекистонлик чарм тўп усталари Жанубий Корея жамоасининг меҳмони бўлади.

Эслатиб ўтамиз, гуруҳда юқоридаги икки поғонани эгаллаган терма жамоалар якуний саралаш босқичига йўлланма олади.

**ЎзА.**

**Пойтахтимизда ўтган армрестлинг бўйича хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида 200 нафарга яқин спортчи куч синашди.**

## БИЛАГИ ЗЎРЛАР БАҲСИ

Хотин-қизлар баҳсида ўз вазн тоифасида ҳар икки қўлда ўтказилган беллашувларда навоийлик Гулҳаё Зайниддинова, Виктория Савчиц, Екатерина Шишкова, тошкентлик Алеся Федотова, самарқандлик Сарвиноз Ашурова ҳамда Шаҳноза Эшимова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Эркаклар ўртасида эса самарқандлик Султон Неъматуллаев, тошкентлик Бобур Бекжонов ва Комил Керимов, сирдарёлик Элшод Усмонов ҳамда вилоятимиз вакили Константин Гржондо мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди.

## СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

**Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида эллик нафардан зиёд спортчи дона сурди.**

Тўққиз имкониятдан 8 очко жамғарган пойтахтлик шахматчи Олег Артеменко шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Иккинчи ўрин 7,5 очко тўплаган самарқандлик Жаҳонгир Воҳидовга насиб қилган бўлса, вилоятимиз вакили Алишер Бекмуродов 7 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

Кучли ўнликка кирган пойтахтлик Илья Димитрев, Искандар Орипов, Саидолим Ашрафхонов, бухоролик Қосим Алиев, сирдарёлик Элбек Жумаев, самарқандлик Алихон Ҳусайнов ҳамда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Жалолиддин Маматқулов 14 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

Ибрат

## ЗЕБУННИСОНИНГ БАДИҲАСИ

Бобурийлар сулоласидан етишиб чиққан буюк шоиралардан бири Зебуннисобегимдир. Уни ҳақли равишда Шарқ шеъриятининг маликаси деб атайдилар. Зебуннисо Бобур Мирзонинг чевараси бўлмиш Аврангзебнинг эрка қизи эди. Мана, уч юз йилдирки, шоиранинг дилбар ғазаллари кўнгил мулкига ғалаён солса, у битган рисолаю ҳикматлар дониш аҳлини лол қолдириб келади.

Унинг назмий жавоҳирларини ўзбек тилида ўқишни неча замонлардан бери орзу қилар эдик. Шукрким, қутлуғ армонимиз ушаладиган кунлар яқинлашиб қолган бўлса, ажаб эмас.

Шоиранинг кечмиш умри узун ва қайғули достонни эслатади. Тангри суюкли бандасига нени раво кўрмоқчи бўлса, барчасини Зебуннисобегим тимсолида мужассам этганди. У ҳуснда танҳо, илму ҳикматда якто, назм бўстонида мисоли булбул эди. Замонасининг манаман деган шоирлари ҳам у билан беллаша олмаган. Шоира битган байтлар қаърига яширинган маънолар сирини англаш учун алломаи даврон бўлмоқ лозим. Чархи кажрафторнинг адолатсизлигини қарангки, ана шундай олий фазилатлар соҳибаси бўлмиш Зебуннисобегимнинг шахсий ҳаёти кемтик эди. «Менинг эрим ҳам, бахтим ҳам, ҳатто, жаннатим ҳам китоб», дея хитоб этган шоира бир умр ўзига муносиб ёр тополмай, дунёдан тоқ ўтди. Зеро, «илон оғзидан шакар, шер кўксидан сут» талаб этадиган Зебуннисобегимга ошиқлик даъвосини қилиш учун отнинг калласидек юрак керак эди.

Ривоятга кўра, у ёшлик чоғида Оқилхон Розий деган шоиртабиат йигитга кўнгил қўйган экан. Улар гоҳо хуфёна учрашиб, шеърхонлик қилиб турар эканлар. Бир куни учрашувнинг устига шоҳ Авренгзеб келиб қолади. Ошиқ йигит қўрққанидан боғ четидаги дошқозонга тушиб қопқоғини ёпиб олади! Авренгзеб мулозимларини чақириб қозон тагига ўт ёқишни буюради. Хизматкорлар ўчоққа ўт қўядилар. Оқилхон куйиб кул бўлгунча, товушини чиқармайди. Ишқ йўлида чин маънода кабобга айланиб, ҳалок бўлади. Бу манзарани кузатиб турган Зебуннисо минбаъд бировга кўнгил бермасликка онт ичган эмиш.

Яна бир ҳикоят шеърият маликасининг топқирлиги тўғрисида.

Бир куни Зебуннисо боғда сайр этиб юрарди. Ям-яшил дарахтлар, алвон гуллар, қумрию булбуллар нағмасидан тилига шеър қуйилиб келди:

*Чаҳор чиз ки дил*
*мебарад кадом чаҳор...*

Шеърнинг иккинчи сатри «Мадому сабзау оби равону рўйи нигор» бўлиши керак эди. Яъни: «Тўрт нарса дилимни овлаб, мамнунлик бағишлайди: май, сабзалар, оқар сув ва ёр жамоли». Зебуннисо энди оғиз жуфтлаганда боғда отаси пайдо бўлди. Авренгзебнинг ўта мутаассиблигини билган қиз қўрққанидан байтини «тузатиб», қайта ўқиди:

*Чаҳор чиз ки дил*
*мебарад кадом чаҳор,*
*Намозу рўзаю тасбеҳ,*
*дигар истиғфор.*

Бу – тўрт нарса дилимни овлаб хушнуд этади: намоз, рўза, тасбеҳ ва тавба-тазарру, дегани эди.

Авренгзеб зукко қизининг «шаръий» шеърини маъқуллагандек, бош ирғаб ўтиб кетди.

**ҚАРНОҚЛИ.**

Шундан кейин

### ЭРИНИНГ АЙБИНИ БЕРКИТДИ

Номдор бизнесчи Дмитрий Ковтуннинг рафиқаси Марина В. Россия бош прокуратурасида Александр Литвиненконинг заҳарланиши юзасидан кўрсатма беришга тайёр эканлигини маълум қилди. У радиактив моддалар билан ноқонуний муомала қилиш бўйича Германияда давом этаётган жараёнда қатнашмоқда. Адвокатининг таъкидлашига қараганда у шу йўл билан собиқ эрининг айбланиши бекор қилинишига эришмоқчи.

### НОҚОНУНИЙ БОЙИШ ОҚИБАТИ

Россия Федерациясининг собиқ бош вазири Михаил Касьянов дала ҳовлисини давлатга қайтариб берадиган кўринади. Ҳар ҳолда Москва шаҳар Хорошевский суди унинг зиммасига «Сосновка – 1» дала ҳовлисини давлат мулки сифатида қайтариш вазифасини юклади. Бироқ Россия Давлат мулки қўмитасининг Касьяновга нисбатан ноқонуний бойлик орттиргани учун 100 миллион рубль жарима солиш тўғрисидаги даъвосини суд рад этди.

### ПРОТОКОЛНИНГ ҚАНЧАСИ ҚАЛБАКИ?

Россия Либерал демократик партияси етакчиси Владимир Жириновский Думанинг сайлов қонунларини қўллаш амалиёти масалалари бўйича комиссияси раҳбари Николай Гончарга сайлов участкаларидан протоколларни келтириб берди. Сиёсатчининг таъкидлашича, улар — қалбаки. Бироқ бу протоколларнинг ҳаммаси ёки бир қисми қалбаки эканлиги хусусида оғиз очмади.

### ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРНИ ҲАМ АЯШМАДИ

Будапештдаги тартибсизликлар чоғида шаҳарнинг тарихий марказидаги кўчада кўп нарсалар вайрон қилинди. Оммавий тартибсизликлар қатнашчилари 16 мартга ўтар кечаси, ҳатто, ЮНЕСКО муҳофазасида бўлган Андраши кўчасидаги обидаларни ҳам аяб ўтирмадилар. Неча асрлардан буён нур сочиб келган кўҳна чироқлар йўқ қилинди, чор қирра тош ёткизилган кўчалар таниб бўлмас ҳолга келтирилди.

Қилмиш-қидирмиш

## СОХТА ТАДБИРКОРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА

**Бугунги кунда мамлакатимиз бозорлари ҳамда турғун савдо шохобчаларида истеъмол маҳсулотларининг кўплиги қувонарли ҳол. Бироқ, уларнинг барчаси сифатли деб бўлмайди. Чунки, баъзи маҳсулотлар мамлакатимизга чет элдан айланма йўллар орқали кириб келаётган бўлса, айрим шахслар мўмай даромад илинжида ноқонуний истеъмол моллари, ичимликлар ишлаб чиқариб сотишга уринаётгани ачинарлидир.**

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, республика ҳудудига истеъмол товарлари ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш, ички бозорни мамлакатда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош истеъмол товарлари билан тўлдириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли ўртасида, айниқса, чегараолди ҳудудларидаги қишлоқларда қонунга итоаткор тадбиркорлар учун чегараларнинг очиқлиги, товарларни белгиланган тартибда расмийлаштириб олиб кириш мумкинлиги тўғрисида суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Афсуски, «гуруч курмаксиз бўлмайди», деганларидек сохта тадбиркорларнинг қинғир ишлари ҳамон давом этмоқда. Масалан, Бекобод шаҳрининг 13-даҳасида яшовчи Х. Жаҳонгир ҳеч қандай ҳужжатларсиз тадбиркорлик фаолиятини юритаётганлиги маълум бўлди. У белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, ўз уйида яширин ҳолда умумий нархи 57 минг 500 сўм бўлган спиртдан қўлбола арoқ тайёрлагани учун жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, айрим кимсаларнинг ғаразли мақсадлари туфайли акциз маркалари, сертификатлари йўқ маҳсулотларни қонунга хилоф равишда сотиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бекобод шаҳри 14-даҳада яшовчи Т. Зуҳра ўзига қарашли дўконда 12 турдаги умумий нархи 31 минг 580 сўм бўлган спиртли ичимликлар ва 12 турдаги тамаки маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотаётгани аниқланди. Ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

**Шерали АНВАРОВ, вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.**

Буни ҳаёт дейдилар



## ҚАССОБГА МОЙ ҚАЙҒУСИ

Халқимизнинг асрий эзгу орзу-умидлари мустақиллик шарофати билан тўла рўёбга чиқа бошлади. Шаҳару қишлоқларимиз кундан кунга чирой очиб, фаровонлашиб бормоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти кундан кунга ривож топаяпти. Одамлар дунёқарашида янгича муносабатлар шаклланмоқда. Юртга бўлган меҳр, кишилар ўртасидаги қадр-қиммат юксалиб, турмуш тарзи тобора гўзаллашмоқда. Кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам, қарияларга, ногиронларга, пенсионерларга ғамхўрлик кўлами, шунингдек, маҳаллаларда маданий-маърифий тарбиянинг таъсири ошиб бораётир.

Аммо ҳамма ҳам оқибатли бўлишга, ҳамжиҳат, тотув яшашга уринаяптими? Оилавий муносабатлар қандай? Ҳамма нарсани иқтисодиётга боғласак, тўғри бўлармикан?

Афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, баъзан жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган маънавий оқсоқликлар ҳам кўзга ташланаётир. Юрт осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ва оиладаги тотувлик киши кўнглига хотиржамлик бахш этади. Шайхулислом Абдулло Ансорий ҳазратлари шундай деган эканлар:

*Ҳақ йўлида икки*
*Каъба бўлмиш ҳосил,*
*Бир — Каъбайи сурват эса,*
*бир — Каъбайи дил.*
*Сен сайла ва дилларни зиёрат айла,*
*Минг Каъбадин ортиқроқ*
*эмишдир бир дил.*

Ҳа, дил — муқаддас манзилки, аввало уни ўрганиб, билиб, сўнгра муносабатда бўлмоқ лозим. Ҳар бир дил соҳиби эса ўз муҳитидан тарбия олади ва қувватланади.

Бегона уйга яхши ниятлар билан келин бўлиб тушган қиз янги муҳитга мослашгунча, анча вақт керак.

Яқин дўстларимдан бири ўтган йили қиз узатди. Унинг оиласи ва фарзандларининг тарбиясидан яхши хабардорман. Гап шундаки, дўстимиз аввало нотанишга қиз бермоқчи эмасди. Совчиларнинг кетма-кет келишлари, қизининг истаги ҳамда хотинининг қистови билан ниҳоят тўй бўлди. «Кўрпангга қараб, оёқ узат», деганлар. Лекин қуда томон тўйга икки кун қолганда тўполон чиқарди: икки хонани тўлдирган мебеллар жамламаси ҳам камлик қилибди. Дўстим таниш-билишларидан қарз-ҳавола кўтариб, қудалар хоҳишини бажарди. Аслида бу харажатларнинг кераги йўқ эди.

Бир куни йўлим тушиб, дўстимнинг уйига бордим. Кўнгил сўрадим. Қизи ҳам шу ерда экан. Қуда томондагиларнинг аҳволини суриштирдим. У барча саволларимга: «Худога шукр, эл қатори яшаб юрибмиз», деб жавоб қилди. Сир бой бермади. Лекин дўстимнинг авзойидан билдимки, уларнинг турмушидан файз кўтарилган.

— Норозиликнинг сабаби нима? — сўрадим ундан.

— Ҳамма гап шундаки, арзимас нарсаларни рўкач қилиб, ота-онанг у-бу олиб бермаган, деб қизимни ҳолжонига қўймай, ранжитишмоқда. Рости, эл қатори мол-сарпо қилганман. Ҳолбуки, ўзларининг уйи йўқ. Ижарада туришади. Ҳеч қачон камбағаллигини юзига солмаганман.

Орадан бир йил ўтиб, дўстимнинг қизи фарзандли бўлди. Кўзи ёригунга қадар ва ундан кейинги чеккан азобларини душманимнинг боласига ҳам раво кўрмасдим. Аммо дўстим қудаларим хафа бўлмасин, деб ҳаммасига чидади. Улар эса, аксинча, буларни камситишдан тўхташмади.

Фарзандининг азобланаётганини кўриш ҳар қандай ота-она учун оғир. Дўстим қизини ҳам, неварасини ҳам даволатди. Шукрки, ҳозир улар соғ-саломат. Бироқ қуда томон ақалли келин ва неваранинг қандай даволанаётганини ҳеч бўлмаса телефон орқали ҳам сўраб қўймади. Бу диёнатсизлик эмасми?

Қуда томондагилар уч ойдан сўнг келин ва неварани олиб кетишди. Дўстим қизига сабрли бўлишни тайинлаб қолди.

Оилани тиклашдан кўра уни бузиш осонроқ. Ўзга бир хонадонда, бегона бир муҳитда ўсган қизнинг ўз оилангиз аъзоси, ўз болангизга айланиши, ўғлингиз билан бахтли-саодатли ҳаёт кечириши учун сиздан фақат бағрикенглик, кечиримлилик, меҳр талаб қилинади, холос. Умар Ҳайём айтганидек:

*Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,*
*Афзалдир юз қулни қилгандан озод.*

Бас шундай экан, буюк аждодларимиз ўгитларига амал қиладиган, уларнинг бой ҳаёт тажрибаларидан намуна оладиган кишилар оила жамиятнинг, қолаверса, саждагоҳ каби муқаддас Ватаннинг бошланиш ўзаги эканлигини тушуниб етадилар ва турмуш чорраҳаларида янглишмай, тўғри йўлни танлай оладилар.

**Муродилла ҒАФУРОВ.**

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 17 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 8-10, кундузи 13-15 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 5-10, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир, қор ёғади. Қор кўчиш хавфи бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илиқ бўлади.


Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2004 йилда Умаров Марат Умарович номига берилган К № 088562 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1993 йил 5 октябрда Исраилова Александра Захаровна номига берилган 06-05/540 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Рассом хандаси




Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.


"Қўйлиқ" агрофирмаси жамоаси агрофирма бош директори Меҳриддин Аҳмедовга турмуш ўртоғи

**Малика АҲМЕДОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан 2005 йил 19 сентябрда Усманова Дилафруз Учкунбаевна номига берилган № 45Т048 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1993 йил 14 январда Столповская Людмила Андреевна номига берилган 10-02/2821 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги "KASHIN" хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бектемир туманидаги "AL QUDRAT BIZNES" МЧЖ ўзининг юридик манзилини Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Ким Пен Хва кўчаси, 10-уйдан Тошкент шаҳри, Авезов кўчаси 2-уй манзилига ўзгартирганлигини маълум қилади.

Чилонзор туманидаги"VATANPARVAR TA'MIRLASH" масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 1726294)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Телефон: 302-80-79.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 10183. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.*

(Т) белгили материаллар - тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5